



20 20 у. « 9 » июль

№ Қ-334

«    »    20    г.

**Бойсун тумани “Бойсун” массиви худудидан Бойсун қишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-хунар коллежига ёрдамчи хўжалиги юритиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,57-моддаларига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/364-сон йиғилиш баёни ва Бойсун тумани ҳокимининг 2020 йил 06 июндаги 01-05/130-сон хатини кўриб чиқиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/364-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бойсун тумани “Бойсун” массиви худудидан Бойсун қишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-хунар коллежига туман ҳокимлиги захира ер фондидан жами 100 гектар, шундан 20 гектар лалми, 80,0 гектар яйлов ер майдони ёрдамчи хўжалиги юритиш мақсадида доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бойсун тумани ҳокимлиги (А.Жўраев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов